



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShqARUVI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ KЎMITASINING
QARORI**

**KЎшилган қиймат солиғидан озод этиладиган молиявий хизматларга
тааллуқли операциялар рўйхатининг 5-бандига ўзгартириш
киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 209-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ кўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ кўмитасининг 2013 йил 29 апрелдаги 38, 8/1 ва 2013-15-сон қарори (рўйхат рақами 2460, 2013 йил 29 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 22-сон, 294-модда) билан тасдиқланган Кўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган молиявий хизматларга тааллуқли операциялар рўйхатининг 5-банди куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан инвестицион воситачиларнинг қимматли қоғозлар депо-ҳисобварақларини очиш ҳамда юритишга доир хизматларга куйидагилар тааллуқли:

- қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;
- ҳужжатли қимматли қоғозларни сақлаш;
- қимматли қоғозлар чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаш;
- қимматли қоғозларни эгаларининг реестрларини юритиш;
- давлатнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек қимматли қоғозларни бошқариш бўйича давлат ваколат берган шахсларнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш;
- инвестицион воситачиларни депо-ҳисобварағини юритиш;
- белгиланган тартибда қимматли қоғозлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, инвестицион жамғармалар томонидан чиқарилган ва уларга тегишли қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;

